

МАДАНИЙ МЕРОС ВА АНЪАНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ТАРИХИЙ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ

Маллабаев Ботиржон

Наманган давлат университети Тарих фанлари номзоди, доцент

Аннотация: Мақолада маданий мерос ва анъанавий қадриятларнинг трансформациялашув жараёнлари таҳлил қилинади. Унда мазкур жараёнларнинг жамият маънавий ҳаётидаги роли, улар орқали шаклланадиган миллий ижтимоий хотира ва аҳоли орасида тарихи ва маданий онгнинг уйғунлашуви муҳокама қилинган. Шунингдек, мақолада қадриятларнинг сақланиши ва ривожланиши, тарихий онг ва дунёқарашнинг миллий маънавият ва миллат идентификациясига таъсири алоҳида таъкидланган. Глобаллашув жараёнида ижтимоий хотиранинг аҳамияти, унинг қиймат ва вазифалари, шунингдек замонавий авлодда миллий қадриятларни тарғиб қилишнинг самарали механизмлари ҳам кўриб чиқилган.

Мақола илмий таҳлил ва назарий умумлаштириш орқали маданий мерос ва анъанавий қадриятларнинг тарихий ва замонавий трансформация жараёнларини яхшироқ англашга хизмат қилади ва уларнинг жамиятдаги барқарор ривожланишдаги аҳамиятини очиқ беради.

Калит сўзлар: тарих, ватан, тарихий онг, дунёқараш, хотира, глобаллашув, қадрият, ватанпарварлик, таълим, ижтимоий хотира.

Жамият ҳаётининг барча жабҳаларида бўлаётган ўзгаришлар халқни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш ҳамда унинг маънавий мулки бўлмиш маънавий мероси ва қадриятларини ҳам мустаҳкамлашга қаратилмоқда. “Маънавий мерос кенг

камровли тушунча бўлиб, инсоният тарихий тараққиёти давомида шаклланган илғор ғоялар, ахлоқ, урф-одат, анъана, қадрият, улкан кашфиётлар, фан ютуқлари, тасвирий санъат асарлари, диний ҳамда дунёвий асарлар ва бошқаларни ўз ичига олади”[4. – Б.32.].

Ўтмиш маданий мероси фақат илмий нуқтаи назардан тадқиқ этиш билан боғлиқ бўлмай, балки аجدодлар яратган буюк маънавий хазина, ижтимоий-иқтисодий капитал келтирувчи ёдгорлик, инсоннинг баркамол инсон бўлиб шаклланишида муҳим омил ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан қараганда маданий меросни чуқур ва пухта ўрганиш, тадқиқ этиш орқали миллий ғурур ва ифтихор туйғусини таъминлашнинг ишончли кафолатидир. Мамлакатимизда мавжуд тарихий ёдгорликлардан бугунги кунда унумли фойдаланиш тизимини ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга татбиқ этиш мамлакат инфраструктураси ва зиёрат туризминини ривожлантиришга, тарихий маданий бойликларни асраб-авайлашга, ёшларда ижодий фикрлаш тарзини ривожлантиришга, келажак авлодга буюк тарихни етказиб беришга ёрдам беради. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида “Миллий ўзлигимизни англаш, Ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш, бу борада илмий тадқиқот ишларини кучайтириш, гуманитар олимлари фаолиятини ҳар тамонлама қўллаб-қувватлаш лозим”[3] лигини алоҳида таъкидлаб кўрсатган эди.

Албатта, бир этноснинг ижтимоий-маънавий тараққиётини унинг тарихи, анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. “Шу ўринда урф-одатлар тўғрисида тўхталиб ўтиш жоиз. Чунки одатларнинг эстетик дидни шакллантиришдаги роли катта. Ижобий нуқтаи назардан олиб қараганда, одатланиш шундай бир қудратли кучки, у мунтазам равишда инсоннинг қонига, вужудига, қалбига сингиб боради ва бора-бора инсон ички маънавий оламининг ажралмас қисмига айланади”[5. –Б.31.]. Маданий мерос, кўхна тарихий ёдгорликларга кўплаб таърифлар келтирилган. Жумладан, бир ўринда “Маданий мерос деб ўтмиш давларидан инсониятга қолган ва танқидий ёндашилган, ижодий қайта кўриб

чиқилиши, замоннинг конкрет тарихий вазифалари ҳамда ижтимоий тараққиётнинг объектив критерийлари асосида ривожлантирилиши ва фойдаланиши лозим бўлган моддий ва маънавий бойликлар мажмуини тушунмоқ лозим”[6. -С.17-18.]

Бу кўҳна юртда эрамизгача ва ундан кейин қурилган мураккаб сув иншоотлари, осори атиқаларимиз қадим деҳқончилик ва хунармандчилик маданияти, меъморчилик ва шаҳарсозлик санъати юксак даражада ривожланганлигидан дарак беради.

Аждодларимиз тафаккури билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минг - минглаб қўлёзмалар, уларда мужассамлашган тарих, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, меъморчилик, адабиёт, деҳқончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар ана шундай маънавий-моддий бойликлармиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ камдан-кам топилади. Президентимиз Ш. Мирзиёев таъкидланганларидек, “ Юртимизда саккиз минг икки юздан зиёд маданий мерос объекти мавжуд бўлиб, ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон моддий маданий мероси ва номоддий маданий мероси рўйхатига Ўзбекистондаги янги объектларни киритишни тезлаштириш лозим”[1. - Б.171.]. Шу боис, ёшларда тарихий тафаккурни шакллантириш ва уларда Ватанига тарихий-маънавий ва маданий нуқтаи назардан мансублигини ҳис қилган ҳолда жамиятда даҳлдорлик ҳиссини ривожлантириш мумкин.

Ҳозирда кишилар онгида тарихий тафаккур трансформацияси юз бермоқда. Натижада тарих сиёсий ҳокимият учун қурашаётган, ўз тарафига иложи борица кўпроқ оммани жалб қилишга уринаётган кучлар, партия ва гуруҳлар қўлидаги воситага айланиб бормоқда. Корпоратив манфаатларнинг объективлик ва илмийлик принципларига путур етмоқда. Натижада тарихий ҳақиқатни янгитдан хаспўшлаш, сохталаштириш, гиперболизация ва метафора бошланмоқда. Бундай вазиятда ёшларни миллий тарих билан қуроллантириш ҳамда уларнинг тарихий онгини ривожлантириб бориш заруриятини даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Дунёдаги айрим ғайриинсоний ғоялар тарафдорлари ўз мақсад ва интилишлари орқали омма онгини

захарлаш, ундан турли ижтимоий-сиёсий мақсадларда фойдаланиш мақсадида ўтмишдан прототип ахтармоқдалар. Масалан, Россия-Украина, Тоғли Қорабоғ, Сурия ва Ироқда жойлашган тарихий маданий қадриятларга бўлган муносабатларда юз бераётган конфликтлар фикримизнинг яққол исботидир. Шу билан биргаликда, Афғонистонда толибон ҳаракатининг ҳокимият тепасига келиши натижасида афғон халқининг, айниқса, аёллар ҳақ-ҳуқуқларининг чекланиши, минг йиллардан бери қуда-анда бўлиб яшаётган турли миллат ва элат вакиллариининг ўз уйларини ташлаб чиқиб кетиши қабила бунни яна бир бор тасдиқлайди. Ҳар ким ва ҳар қайси давлатга ўз ҳудуди, қадриятлари, халқи ва тарихий обидалари нафақат улар учун, балки миллат давомийлиги, эртанги куни учун ҳам долзарб ҳисобланади. Зеро, президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаб ўтганидек, “бой тарихимиз дурдонаси бўлган маданий меросимизни асраб-авайлаб, келажак авлодлар учун безавол етказишимиз зарур”[3. - Б. 16.]. Шунинг учун ҳам ёшларда тарихий тафаккурни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларини амалга оширишда социологик ва педагогик ёндашувларни такомиллаштириб бориш ижтимоий тараққиётнинг муҳим омилидир. Глобаллашув жараёнлари таъсири остида тарихий онгнинг ўзгариш қонуниятларини ўрганиш, ушбу таъсирнинг ижобий ва салбий жиҳатларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

XX асрнинг охирига келиб миллий мустақиллигимиз учун таҳдид соладиган хатар – ўзбек халқининг тарихини сохталаштиришга қаратилган ҳаракатлар пайдо бўлди. Айниқса, хорижда бир қатор мафкурачилар ягона туркий миллат мавжуд, ўзбек, қозоқ, туркман, бошқирд, уйғур деб бўлақларга бўлиниши нотўғри, деган хато ва зарарли ғояни илгари суришгача боришди. Ушбу мафкуравий таҳдид – ўзбек халқининг алоҳида миллат эканлигини, бинобарин, унинг тарихи, ҳозирги куни, демакки, келажagini ҳам шубҳа остига олиш ва туркий қавмлар билан умумийликни мутлақлаштириш, миллий ўзига хосликни инкор этиш билан боғлиқдир.

Маънавий ва диний қадриятларимиз тарихан уйғун ҳолда ривожланиб, такомиллашиб борган. Айниқса, маънавий қадриятлар ривожига анъанавий

исломнинг ўзига хос ўрни бор. Миллатимизнинг маънавий қадриятлари ҳақида гап кетганда, узок асрлар қаърида юзага келган ватанпарварлик, дўстлик, тинчликсеварлик, меҳмондўстлик, меҳнатсеварлик, мурувват, андиша, ор-номус, ҳалоллик, меҳр-оқибат, биродарлик ва аҳил қўшничилик муносабатлари каби эзгу инсоний фазилатларни алоҳида қайд этиш лозим. Минтақамизда ўн асрдан ортиқ вақт давомида мавжуд бўлиб келаётган ислом дини халқимизнинг ана шундай бекиёс маънавий қадриятларида чуқур акс этиб туради. “Жамият тараққиёти жараёнида шаклланган ҳар қандай ҳодиса ўтмишда ижобий аҳамият касб этгани учун эмас, балки келажак истиқболи учун янги имкониятлар яратиб беришга қодир бўлганлиги сабабли ҳам қадрият деб аталади”[7]. Юртимизда Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий каби буюк аجدодларимизнинг, хусусан, ҳанафий мазҳаби уламоларининг меросини ҳамда мотуридийлик ақидавий таълимотини ўрганиш ва тарғиб қилиш марказлари фаолиятига ҳам бежиз асос солинмади.

Бугунги жамият ривожига, глобаллашувда маънавий қадриятларнинг ўрни бекиёс. Маънавий қадриятларимизни асраб-авайлаш, тарғиб қилиш бугунги жамиятнинг долзарб ва устувор вазифаларидан эканлиги бежиз эмас. Аммо кези келганда айтиш керак – бугун ижтимоий ҳаётда мавжуд айрим иллатларнинг “ўзбекчилик” деб хаспўшланиши мутлақо ўринсиз ҳолатдир. Дабдабавозлик, моддиятпарастлик, ҳар қандай ишда кимўзарга берилиб кетиш, риёкорлик, хўжакўрсинчилик, жиноят ботқоғига ботириб юборувчи таниш-билишчилик ва коррупция каби иллатлар ўзбекчиликдан эмас ва булар миллатни, халқни таназзулга етаклайди.

Ёш авлодни турли хил маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш учун уларнинг қалби ва онгига соғлом ҳаёт тарзини сингдириш, миллий ва умуммиллий қадриятлар ҳамда ҳурмат - эҳтиром туйғусини болалик пайтидан бошлаб шакллантириш, миллий қадриятларимиз, маданий меросимизга илмий асосда тўғри ёндашиб, инсонпарварлик, ватанпарварлик, тараққийпаварлик мезонларига кўра, миллийлик, тарихийлик тамойиллари асосида жамиятимиз олдидаги бурч,

вазифаларини давр ва замонавий тараққиёт талабларига мос равишда амалга оширишни ривожлантириш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси.-Тошкент: O`zbekiston, 2021. - Б.171.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси./ “Халқ сўзи”,2018 йил.29 декабрь,№271-272.(7229-7230).
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси ҳамда Ўзбекистон ёшлари форумида сўзлаган нутқидан иқтибослар. –Тошкент, Тасвир нашриёт уйи, 2021. - Б. 16.
4. З.Хайитов., Д.Шукурова. Ўтмиш ва келажак ўртасидаги кўприк. Жамият ва бошқарув. №2. 2011. –Б.32.
5. Б.Холматова. Шахс эҳтиёжларининг маънавий мезонлари. Жамият ва бошқарув. №2. 2011. –Б.31.
6. Хайруллаев М. Шорахмедов Д. Маданият ва мерос.-Т.: 1973.-С.17-18.
7. Фалсафа. Олий ўқув юртлари учун қўлланма. Тўлдирилган 2-нашр. Тошкент: Ўқитувчи, 2005. –Б.229. (304)